



170400, Andijon vil, Bo'ston tumani,  
Mustaqillik ko'chasi, 36-uy

170400, обл. Андижан, р. Бустан,  
улица Мустақиллик, 36

Тел: (0-374) 333-22-29, факс: (0-374) 333-14-37 Веб-сайт: [www.oliysud.uz](http://www.oliysud.uz) эл.почта: [i.buz@sud.uz](mailto:i.buz@sud.uz)

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Бўстон туман

2022 йил 6 июль

4-1703-2201/646-сонли иш

Бўстон туманлараро иқтисодий судининг судьяси С.Умаралиев раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Турғуновнинг котиблигида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар - [REDACTED] манфаатида жавобгар - [REDACTED] га нисбатан тақдим этилган даъвоси бўйича иқтисодий ишни даъвогар вакили Б.Бахрамов (ишончнома асосида)нинг иштирокида, Бўстон туманлараро иқтисодий суди биносида ўтказилган очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

“Malika Laboratoris” масъулияти чекланган жамият (кейинги ўринларда матнда “Даъвогар” деб юритилади) ва [REDACTED] (кейинги ўринларда матнда “Жавобгар” деб юритилади) ўртасида 2021 йил 5 августда №100/А-сонли электрон шартнома тузилган.

Мазкур шартнома шартларига кўра даъвогар ўзи ишлаб чиқарган дори воситаларини жавобгарга етказиб бериш, жавобгар шартнома тасдиқлангандан сўнг таъминотчи берган ҳисоб-фактуранинг суммасидан 25% миқдорида харидор таъминотчининг банк ҳисоб рақамига олдиндан тўлов қилиб ўтказиб бериши, қолган 75% таъминотчи махсулотларни етказиб бергандан сўнг ўтказиб бериш мажбуриятини олган.

Даъвогар томонидан дори воситалари етказиб берилган, бироқ жавобгар етказиб берилган дори воситалари учун тўлиқ тўлов амалга оширмасдан қарздорликка йўл қўйганлик важи билан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар манфаатида судга жавобгардан 33 935 000 сўм асосий қарз, 8 483 750 сўм пеня ва 8 483 750 сўм жарима ундириш ҳақидаги даъво ариза билан мурожаат қилган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили кўрсатма бериб, даъво аризада қайд этилган важларни такрорлаб, жавобгар томонидан тўловлар амалга оширилмаганлигини, медиатив келиув учун келмаганлигини билдириб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсада, унинг вакили суд мажлисига келмади ва низо юзасидан эътирозларини билдирмади.



Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда матнда “ИПК” деб аталади) 170-моддасининг учинчи қисмига асосан, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Суд юқоридаги қонун нормасига асосан ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўришликни лозим топади.

Суд даъвогар вакилининг тушунтиришини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида шартнома тузилган бўлиб, шартномага асосан даъвогар жавобгарга ўзи ишлаб чиқарган дори воситаларини жавобгарга етказиб бериш, жавобгар шартнома тасдиқлангандан сўнг таъминотчи берган ҳисоб-фактуранинг суммасидан 25% миқдорида харидор таъминотчининг банк ҳисоб рақамига олдиндан тўлов қилиб ўтказиб бериши, қолган 75% таъминотчи маҳсулотларни етказиб бергандан сўнг ўтказиб бериш мажбуриятини олган.

2021 йил 20 октябрь кунги №139-сонли ҳисоб варақ-фактурага асосан 45 120 660 сўмлик Немицел №30, Теро плюс №10 дори воситалари етказиб берилган. Бироқ тўлиқ тўлов амалга оширилмаган.

Жавобгарнинг даъвогар олдидаги 33 935 000 сўм қарздорлиги ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топади.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, суд даъвогарнинг 33 935 000 сўм асосий қарздорликни ундириш талабини қаноатлантиришликни лозим топади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда “ФК” деб аталади) 236-моддасига кўра мажбурият шартларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 437-моддасига кўра, маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Шунингдек, даъвогар етказиб берилган дори воситалари ҳақини ўз вақтида тўланмаганлиги учун 8 483 750 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суд томонидан даъвогарнинг пеня ундириш талаби ҳисоб-китоби ўрганилган тўғри ҳисобланганлиги аниқланди.

Зеро, ФКнинг 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда, мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

ФКнинг 326-моддасида, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли эканлиги, бунда қарздор



мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ ахволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши белгиланган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2007 йил 15 июнь кунги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақидаги” 163-сонли Пленум қарорида Судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шарт деб белгиланган.

Юқоридагиларга асосан суд пеня ундириш талабини муҳокама этиб, тарафларнинг мажбуриятларни бажариш даражасини, шартнома интизомига риоя этишлари, уларнинг мулкӣ ҳолатларини инобатга олиб 5 000 000 сўм миқдорида пеня ундиришни лозим топади.

Шунингдек, даъвогар жавобгардан шартномага асосан 8 483 750 сўм жарима ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2007 йил 15 июнь кунги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақидаги” 163-сонли Пленум қарорининг 3-бандида агар шартномада айнан битта мажбуриятнинг бузилиши учун неустойкани ҳам жарима, ҳам пеня кўринишида тўлаш назарда тутилган бўлса, судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, қонунчиликда бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, даъвогар фақатгина бир шаклдаги неустойка қўллашни талаб қилишга ҳақли эканлиги юзасидан тушунтириш берилган.

Юқоридагиларга асосан суд даъвогарнинг 8 483 750 сўм жарима ундириш талабини рад этишликни лозим топади.

Суд ишни кўриб чиқиш якунлари бўйича давлат божи тўловини ундириш масаласини муҳокама этиб, қаноатлантирилган даъво талабларига мутаносиб равишда тарафлардан Республика бюджетига ундиришни лозим топади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий Процессуал кодексининг 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади. Агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозимлиги белгиланган.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 170, 176-180 моддаларини қўллаб



**қарор қилади:**

Даъво қисман қаноатлантирилсин.

\_\_\_\_\_ ҳисобидан:

- \_\_\_\_\_ фойдасига 33 935 000  
сўм асосий қарз, 5 000 000 сўм пеня ва олдиндан тўланган 24 000 сўм почта  
харажати;

- Республика бюджетига 848 375 сўм давлат божи ундирилсин.

\_\_\_\_\_ ҳисобидан Республика  
бюджетига 169 675 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвони қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин ижро варақалари  
берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон бир ой муддатда Бўстон туманлараро  
иқтисодий суди орқали Андижон вилоят судининг иқтисодий судлов ҳайъатига  
апелляция тартибида шикоят келтириш мумкин.

**Раислик этувчи**

**С.Умаралиев**

